

СУҒУРТА: БАНК РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Исमतов Абдулфайз Абдухалилович
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Ўз фаолияти давомида тижорат банклари, шунингдек бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритувчи ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар максимал фойда олишга интиладилар. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, банклар томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай операциялар рискнинг юқори таъсирига эга бўлишади. Мақолада банк рискларининг иқтисодий моҳияти, турли олим ва тадқиқотчиларнинг илмий қарашлари ва ёндашувлари таҳлил қилинган, шунингдек уларни бошқариш усуллари, рискларнинг юзага келиш сабаблари ва улар оқибатларини юмшатишнинг молиявий воситалари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: суғурта, банк rischi, рискларни бошқариш, диверсификация, хеджерлаш, лимитлаштириш, зарарларни камайтиришнинг молиявий воситалари

1. Кириш.

Банк амалиётидаги ҳозирги тенденция суғурта механизмларидан кенг фойдаланишга асосланиб бормоқда. Суғурта мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, иқтисодиёт ва бизнес жараёнларни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Суғурталаш тижорат банклари томонидан рискларни бошқаришнинг самарали усули сифатида қўлланилади. Банк рискларидан ҳимояланиш ноҳуш ҳодисалар натижасида етказиладиган зарарни қоплашдан иборат. Банк рискларини суғурталашнинг аҳамияти суғурта дастурлари ёрдамида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни олдини олиш орқали уларни амалга оширишнинг юқори даражаси билан боғлиқдир. Суғуртадан фойдаланиш биринчи навбатда тижорат банкларининг рискларини бошқариш учун зарурдир. Суғурта банк маҳсулотлари турларини кенгайтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Суғурта турларини тизимлаштириш банкнинг ҳар бир rischi турини бошқариш мумкинлигини таъкидлаш имконини беради.

Ҳозирги замон иқтисодиётида банклар фаолияти иқтисодиётнинг етакчи ривожланиш омилига айланиб бормоқда, шу сабабли улар фаолиятидаги рискларга эътибор кучаймоқда, сабаби банклар бир-бирига нисбатан агрессив фаолиятларини олиб боришмоқда, бунда улар юқори рискли операциялар ва келишувларни амалга оширишлари сабаб бўлмоқда. Бу эса банк амалиёти ва назариясида рискларнинг хавфлилик даражаларини пасайтириш ёки олдини олиш амалиётларини такомиллаштиришни талаб қилиб қўймоқда. Аммо банк

рискарининг иктисодий моҳияти ҳақидаги қарашлар ҳозирги кунгача мунозарали бўлиб қолмоқда.

Банк рисклари моҳиятини тўлиқроқ англаш учун уларнинг тарихий ва замонавий тарифларини таққослаш ва тегишли хулосаларни шакллантиришни талаб қилиб қўймоқда.

2. Адабиётлар шарҳи.

Маҳаллий ва хорижий иктисодий адабиётларда нафақат банк рискининг моҳияти тўғрисида, балки уни классификациялаш ва туркумларга ажратиш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Бу аввало рискларни тизимлаштиришда турли хил мақсад ва вазифалар қўйилганидан, шунингдек рискларни бошқариш соҳасида кейинги таклифларни ишлаб чиқиш учун классификациясидан фойдаланиш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Рискларни классификациялаш деганда уларни белгиланган мақсадларга эришиш учун маълум бир мезонларга мувофиқ аниқ гуруҳларга тақсимлаш, бўлиш, ажратиш тушунилади. Илмий асосланган классификация ҳар бир риск турининг умумий тизимдаги ўрнини аниқ белгилашга имкон беради.

Тожиёв (2018) ўз тадқиқотларида банк рискига қўйидагича таъриф беради, яъни банк риски банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад олаолмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишда, юқорида келтирилган салбий ҳолларни юзага келиш эҳтимолигидир деб таъкидлайди

Коваленко (2013) ва Мастяева ва Мирзаханян (2014) фикрларига кўра банк риски – бу активларнинг йўқотилиши, режалаштирилган даромадларни олаолмаслик ёки банкнинг молиявий операциялари натижасида қўшимча харажатларнинг пайдо бўлиши кўринишидаги йўқотишлар, зарарлар эҳтимоли сифатида қарайдилар.

Пенюгалова (2013) банк рисклари соҳасида олиб борган тадқиқотлари натижасида қўйидаги хулосаларни шакллантирган, унга кўра банк риски – бу субъектив равишдаги объектив категория, бу банк фаолиятида ташқи ва ички омилларнинг ноаниқ таъсиридан келиб чиқадиган ҳодисаларнинг (кутилганидан фарқли) ривожланиш эҳтимоли юзага келган вазиятни акс эттиради, бу алтернативлар мавжуд бўлган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва кутилган натижаларга нисбатан ҳақиқий оғишларни ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш зарурлиги талаб қиладиган ҳаракатлардир.

Семенова ва Кутуковалар (2019) ўз илмий ишларида банк рискларига қўйидагича таъриф берадилар, банк риски – бу юқори молиявий натижани олиш ва юзага келиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ноаниқлик шароитида амалга ошириладиган фаолиятдир

Иқтисодчи олим профессор Бабичева (2008) банк рискига қўйидаги тарифни таклиф қилади, унга кўра “банк rischi – бу банк фойдаси ёки капиталига салбий таъсир кўрсатадиган ҳодиса юз бериш эҳтимоли” деб таъкидлайди.

Боголов ва бошқалар (2020) ва Николаева (2016) тадқиқотларида банк рискларига қўйидагича тариф беришган, яъни банк rischi – бу банк фаолиятига хос бўлган фойда, даромад ёки активларни йўқотиш билан ифодаланадиган салбий оқибатларга олиб келадиган кутилмаган ҳодисалар эҳтимоли деб таъкидлашади.

Банк фаолияти соҳасидаги етук миллий иқтисодчи олимларимиздан профессор Абдуллаева (2003) банк рискларига қўйидаги умумлашган таръифни берган, яъни банк rischi – бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш, ёки даромад олаолмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб, банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдир деган таърифни келтириб ўтади.

Шунингдек, Г.Жмыркод (2012) банк рискларини суғурталашда қўйидаги фикрларни илгари суради, яъни ғарб мамлакатларида банк рискларини суғурталаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, тижорат банклари учун рискларни суғурталашни ташкил этишнинг бир нечта схемалари мавжуддир, булар, биринчидан банк рискларини мустақил юридик шахсларга бериш – суғурта компанияларига, икинчидан ўзларида давлат ва бошқарув компанияси томонидан бошқариладиган суғурта компанияларини тузиш, учинчидан ўзаро суғурталаш жамиятларини тузиш орқали банк рискларини камайтиришга эришиш мумкин.

Шу билан бирга бунда банкнинг ҳажми унинг тизимили амалиёти муҳим ҳисобланмайди. Суғурта тизими банк сектори барқарорлигини, шу жумладан бизнес жараёнларининг мунтазам ишлаши ва миқдорларнинг банка бўлган ишонч даражасини ошишини таъминлаши керак.

А.А. Черных (2009) ўз тадқиқотларини банк рискларини комплекс суғурталаш бўйича қўйидагилар таъкидлайди, чет элда деярли барча банклар, қоида тариқасида Bankers Blanket Bond суғурта полисидан фойдаланган ҳолда банк рискларини ҳар томонлама суғурта қилиш бўйича суғурта шартномаларини тузишади. Бундан ташқари, баъзи мамлакатларда банк томонидан бундай полиснинг мавжудлиги унинг банк фаолиятини олиб бориш мумкинлигининг асосий шартидир. Масалан, Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси (FDIC) талабига биноан банкларни комплекс суғурталаш АҚШда жисмоний шахслар депозитлари билан ишлайдиган барча банклар учун мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек тадқиқотчи Абдурахмонов (2018-2022) суғуртада рискларнинг гуруҳланиши, суғурта хизматлар бозорида банк рискларини таснифланиши,

уларни суғурталаш механизмлари ва банк суғурта суғурта маҳсулотлари бўйича тадқиқотлар олиб борган. Шунингдек суғурта соҳасидаги муаммолар ва уларни иқтисодий ечимлари тўғрисида фикрлар юритган. ундаг ташқари суғурта соҳаси замонавий риск менежментининг энг самарали иқтисодий ҳимоя механизми сифатидаги ролига алоҳида эътибор қаратган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида банк rischi, riskларни бошқариш жараёни ва уни ташкил этишнинг назарий асослари ва илмий адабиётлар ўрганилди, мавзуга оид эмперик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Банк rischi тушунчасига тўлиқроқ баҳо бериш учун унинг функцияларида ифодаланган моҳиятини аниқлаш муҳим ҳисобланади, амалда riskнинг кўйидаги функциялари мавжуд:

1) Таҳлилий – банкларнинг хатти-ҳаракатлари стратегиясини танлаш учун ташқи ва ички risk омилларини, уларнинг манбаларини доимий мониторинг қилишдан иборат;

2) Ҳимоя – маълум бир турдаги чора-тадбирлар (диверсификация, суғурта, захираларни яратиш, хеджирлаш ва бошқалар) орқали юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар ва йўқотишлардан ҳимоя қилишни ўз ичига олади;

3) Инновацион – riskларни баҳолашнинг янги ностандарт ёндашувларни излаш натижасида riskларни бошқариш тизимидаги технологик тараққиётини таъминлайди;

4) Тартибга солиш – молиявий барқарорликни сақлаш учун riskларнинг бир фаолият йўналишида тўпланиши устидан ички назоратни ва тижорат банклари учун мажбурий стандартларни белгилаш орқали ташқи тартибга солишда намоён бўлади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида “банк rischi” тушунчасини талқин қилишда бир қатор хусусиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ҳодиса содир бўлишининг ноаниқлиги;
- субъект томонидан идентификация қилинишидан қатъий назар унинг мавжудлиги;
- молиявий ҳолатга таъсири;
- муқобил қарорлар қабул қилиш (Корсаков (2019)).

Банк ва risk менежменти соҳасидаги тадқиқотчилар ўртасида банк riskининг моҳияти бўйича ягона ёндашувнинг йўқлиги ушбу тушунчанинг кўп қирралиги кўрсатади. Банк rischi атамасининг таърифи бўйича турли илмий қарашларни ҳар томонлама ўрганиб, унга асослироқ ва унинг ҳар томонларини

ўзида акс эттирувчи тўрифни шакллантиришга ҳаракат қилдик, шундан келиб чиққан ҳолда

Банк rischi – бу ноаниқлик оқибатларига олиб келиш мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик амалга оширилишининг ички (имманент) шарти бўлиб, банк секторига салбий натижа олиш имконияти билан ифодаланадиган ва оптималлаштириш чораларини амалга ошириш зарурати бўйича қарорлар қабул қилишни талаб қилинадиган ҳаракатлар.

Юқоридагилар келиб чиққан ҳолда, банк rischi тушунчасининг хусусиятларини ва моҳиятини тўлиқ акс эттирувчи банк рискларининг муҳим хусусиятлари келтириб ўтамиз;

1. Иқтисодий табиати. Банк rischi иқтисодий фаолият билан боғлиқ, бундай фаолият натижасида даромад йўқотилиши кўзатилиши мумкин.

2. Кутилаётган ноҳуш оқибатлар. Банк rischi даражаси мумкин бўлган йўқотиш (фойда, даромад, капитал йўқотилиши) ҳажми билан баҳоланади. Банк амалиётида зарар асосан пул кўринишида ўлчанади.

3. Даражанинг динамиклиги. Риск даражаси банк операцияларининг давомийлигига боғлиқ бўлиб, доимий динамикада бўлган объектив ва субъектив омиллар таъсири остида ўзгариб туради.

4. Баҳолашнинг субъективлиги. Аниқ бўлмаган баҳолаш ахборот базасининг тўлиқлиги ва ишончилигининг турли даражалари, банк менежерларининг малакаси, уларнинг рискларни бошқариш соҳасидаги тажрибаси ва бошқа омиллар билан белгиланади.

5. Оқибатларнинг ноаниқлиги. Банк менежерларининг ҳаракатлари рисклар билан боғлиқ бўлиб мақсадли натижадан ижобий ёки салбий оғишларга эга бўлиши мумкин.

6. Мақсадли ҳаракат. Банк rischi у йўналтирилган аниқ мақсад (фаолият натижасида маълум даромад олиш) билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади.

7. Муқобил танлов. Банк rischi менежерининг хатти-ҳаракатлари учун муқобил танловнинг мавжудлигини англатади – рискни қабул қилиш ёки уни рад этиш.

8. Танлов шартлари орасида ҳаракат. Ушбу хусусиятда банк rischi қарор қабул қилиш сифатида намоён бўлади.

9. Юзага келишнинг объективлиги. Риск ҳар қандай банк фаолиятидаги объектив ҳодиса бўлиб, деярли барча турдаги банк операцияларида кузатилади.

10. Мақсадга эришиш эҳтимоли. Ҳодиса ҳақида мавжуд бўлган маълумотларга қараб, эҳтимоллик воқеа содир бўлишининг нисбий частотасини ва (ёки) воқеа содир бўлишига ишонч даражасини акс эттириши мумкин.

Рискларни бошқариш банк бизнесининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Банк рискларини башорат қилиш ва бошқариш, молия бозоридаги рискларни ўз

вақтида баҳолай билиш муҳим ҳисобланади. Банк рискларини асосий турларини ўрганиш ва уларни минималлаштириш тижорат банклар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Аммо фақат банк рискларини тўғри таснифлаш туфайли уларни сифат жиҳатдан баҳолаш ва кейинчалик бошқариш, назорат қилиш мумкин.

Банк рисклари банк фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади. Иқтисодий адабиётларда банк рискларининг кўплаб турли таснифлари мавжуд бўлиб, улар асосланаётган мезонлар билан фарқланади. Бироқ, “банк rischi” тушунчасини изоҳлашда таснифлашнинг ягона ёндашуви мавжуд эмас.

Рискларни таснифлаш – бу аниқ мақсадларга эриш учун рискларни маълум хусусиятларига кўра гуруҳларга тақсимлашдир. Бу тизимдаги ҳар бир риск ўрнини аниқлаш имконини беради. (Е.Кондратюк (2004))

Банк рискларининг иқтисодий таснифи муҳим мезонларни ўз ичига қамраб олади: уларнинг юзага келиш омиллари ва манбалари, банк тури ва шакли, таъсир доираси, мижозлар таркиби, операциялар тури, риск даражаси уни ҳисоблаш усули ва ҳажми, вақт бўйича тақсимланиши, ҳисоблаш табиати, тартибга солиш имконияти ва усуллари.

Юзага келиш омилларига қараб банкнинг рисклари иқтисодий ва сиёсий бўлиши мумкин. Улар бир-бирига узвий боғланган ва амалда уларни ажратиш қийин кечади. Мамлакат ёки банк иқтисодиётидаги ўзгаришлар иқтисодий рисклар билан боғлиқ. Кўпинча улар валюта курси, тўлов баланси, банкнинг молиявий ҳолати, экспорт ва импорт нархларининг ўзгаришларини қамраб олади. Сиёсий рисклар қаторига сиёсий муҳитнинг ўзгариши (чегараларнинг ёпилиши, товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишни тақиқлаш, ҳарбий ҳаракатлар, валюта айрибошлаш чекловлари, миллийлаштириш ва бошқалар) киради, бу эса фаолият натижаларига салбий таъсир кўрсатади.

Вужудга келиш манбалаига кўра банк рисклари ташқи ва ички рискларга бўлинади. Ташқи рискларга банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, лекин унга кенг кўламли таъсир кўрсатадиган рисклар киради. Бунга инфляция, миллий валюта курсининг беқарорлиги, табиий офатлар, рақобатнинг кучайиши, операция ва хизматларнинг янги турлари ёки сифатли хизматлар кўрсатилишига қўйиладиган талабларнинг кучайиши сабаб бўлиши мумкин. Ички рисклар банк ва унинг мижозлари фаолиятдан келиб чиқади.

Банк операциялари турларига қараб рисклар актив ва пассив операциялардан келиб чиқадиган рискларга бўлинади. Ушбу рисклар ресурсларни кейинчалик банк активларига жойлаштириш билан жалб қилиш бўйича операцияларни ўз ичига олади.

Операцияларни ҳисобга олиш хусусиятига кўра, банк рисклари мижозларининг ҳисобварақлари бўйича айланмасига қараб ва мулкнинг ҳар хил турларига мансублигига қараб бўлинади. Мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича

айланмасига кўра рисклар кичик, ўрта ва йирик, турли мулкчилик турларига кўра давлат ва хусусийларга бўлинади.

Бошқариш имкониятларига кўра бошқариладиган ва бошқарилмайдиган банк рискларига бўлинади. Рискларни бошқариш мумкинлиги асосида таснифлаш рискларни самарали бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, тезлиги ва самарасини белгилайди.

Банк рисклари ҳажм жиҳатидан юқори, ўртача ва кичикга бўлинади. Банк rischi миқдорининг ўзгариши муайян операциялар учун маблағларнинг йўқотилишига олиб келади.

Юзага келиш вақтига кўра банк рисклари истиқболли, ўтмишдаги ва жорий. Ушбу тасниф ўтмишдаги рискларни таҳлил қилиш орқали жорий ва истиқболли рискларнинг олдини олиш учун ишлатилади.

Ҳисоблаш усулига кўра рисклар хуссий ва мураккаб бўлиши мумкин. Хусусий рисклар кўрсаткичлар шкаласи билан белгиланади ва муайян банк операцияларини баҳолаш учун зарурдир. Банк фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш прогнозлаш ва риск даражасини баҳолаш ёрдамида амалга оширилади.

Суғурта қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда, банк рискларини суғурталанадиган ва суғурта қилинмайдиган рискларга бўлинади. Суғурталанмайдиган риск – бу йўқотиш эҳтимолини миқдорий жиҳатдан аниқлашнинг имкони бўлмаган риск. Суғурталанадиган риск – бу йўқотиш даражасини аниқлаш осон бўлган, миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолаш мумкин бўлган риск.

Иқтисодий адабиётларда банк рискларини аниқлаш учун жуда кўп ва турли мезонлар мавжуд, шунинг учун бу тасниф тўлиқ ҳисобланмайди. Амалда қўллаш жараёнида маълум бир қийинчиликларга олиб келиши ҳам табиийдир, сабаби у жуда кенг ва иерархиянинг турли даражаларига эгаллиги билан асосланади.

Турли мамлакатларнинг банк фаолиятига оид расмий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда банк riskини таснифлашга келадиган бўлсак, у риск турларининг сони ва уларнинг сифат тизилиши билан сезиларли даражада фарқланади. Масалан, АҚШ амалиётида кўйидаги риск турлари ажратилади:

- молиявий хизмат рисклари: операцион, технологик, инновацион, стратегик;
- баланс ҳисоби рисклари: кредит, ликвидлилик, фоиз, капитал таркиби;
- ташқи рисклар: макроиқтисодий, рақобат, қонунчилик.


Турли хил риск турлари ўртасида қатъий чизиқ чизиш (чегараларини белгилаш) қийин, сабаби уларнинг кўпчилиги ўзаро боғлиқдир. барча рисклар провардида банк балансига таъсир қилади. Шунинг учун уларнинг таснифи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига, банклар фаолиятини ташкил этишда янги ахборот технологияларидан фойдаланишга қараб доимий равишда такомиллаштирилиб бориши керак.

Банк фаолияти жараёнида йўқотишларни минималлаштириш ва рискларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш учун уларнинг таснифини аниқлаштириш керак. Бунинг учун банк фаолиятига оид расмий ҳужжатларда таклиф қилинган риск турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай таснифлаш ҳар бир рискнинг умумий тизимдаги ўрнини белгилайди, шунингдек банк операцияларида ички назорат самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради (1-расм). Унинг асосида банк фаолиятини моделлаштириш мумкин бўлади. Банк рискларинитаснифлашнинг аҳамияти маълум бир рискни таҳлил қилишнинг тегишли усулини танлаш, унинг даражаси ва умуман банк фаолиятига таъсир қилиш даражасини баҳолашдан иборат бўлади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, банк фаолияти олдиган ўзида рискларни қамраб олади. Бу у жойлашган ташқи муҳитнинг ноаниқлиги билан боғлиқлигидир. Рискларни бошқаришнинг сифатли даражасига эришиш учун банк рискларининг аниқ таърифи ва уларнинг таснифи талаб қилинади. Банк соҳасида юзага келадиган рискли вазият қўйидаги параметрлар билан тавсифланади: ташқи муҳитнинг таъсири, вақт ва маълумотларнинг етишмаслиги.

Кўпгина бошқариб бўлмайдиган омиллар таъсирида банклар тадбиркорлик субъекти сифатида тўсатдан мол-мулкларини йўқотишлари мумкин, чунки улар тўсатдан бошланган инқирозлар, форс-мажор ҳолатлар, моливий жиноятлар ва кутилмаган банкротликларга дучор бўлишлари мумкин.



1-расм. Банк рискнинг таснифланиши¹


¹ Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Банк фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, банк томонидан рискларнинг юзага келиши, таъсири ва улар оқибатларини минималлаштиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлар улардан тўлиқ халос бўлишга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам банк тизими олдида рискларни бошқариш ва унинг молиявий барқарорликка таъсирини камайтириш вазифаси туради. Банк рискларини суғурталаш банк капиталини катта зарарлардан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Буни кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатларда ушбу молиявий ҳимоя воситасини узок вақт давомида муваффақиятли қўллаб келишлари тасдиқлаб турибти.

Рискларни суғурталаш – бу замонавий шароитда зарур бўлган банк рискларини бошқариш жараёнидир. Бу эҳтиёж доимий равишда турли рискларга таъсирчан бўлган банк фаолиятининг ўзида намоён бўлади.

Банк рискларини суғурталашнинг самарали усулларига қўйидагилар киради (2-расм):

- хеджерлаш;
- рискдан қочиш;
- рискни лимитлаштириш;
- рискларни диверсификация қилиш;
- суғурта;
- махсус захира фондларини ташкил қилиш.



2-расм. Банк рискларини суғурталашнинг самарали усуллари²

Бунда жараённинг моҳияти шундан иборатки, суғурта компаниясини банкнинг ташкилий тузилмасини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали суғурта

² Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

шартномасини тузиш йўли билан молиявий рискларни экспертизадан ўтказиш учун жалб этишдан иборат. Банк суғурта тизими суғурта объектлари ва рискларни қамраб олади, яъни:

- ҳамма муассаса ва ташкилотларга таълуқли рисклар;
- банкда молиявий операцияларни амалга ошириш учун хос бўлган рисклар.

Амалиётда қоидага кўра банклар таъсир қила олмайдиган рискларни суғурталайдилар. Бунда у қўйидагиларни қамраб олади.

- моддий бойликлар ва мол-мулклар;
- компьютер техникаси ва банк таъминотини;
- тўлов карталари (дебет ва кредит);
- кредитлар;
- депозитлар.

Банклараро бозорда рискларни суғурталаш ҳар томонлама афзал бўлиб ҳисобланади, молия институтлари орасида ишбилармонлик обрўсини ва банк миждозларининг сонини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, суғурта ташкилотларининг жалб этилиши замонавий банк маҳсулотлари ва хизматлари кўлами кенгайишига бевосита ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Банкларнинг суғурта компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- 1) банк бизнес фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги ва барқарорлиги;
- 2) банк маҳсулотлари кўламини кенгайтириш, шунингдек миждозларнинг даромадлари ва бўш маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш.

Банк рискларини бошқариш тизимида суғурта муҳим ўрин тутди. Ушбу молиявий восита ҳимоянинг асосий тамойилларини қамраб олади ва кенг қамровли рискларни бошқариш усулига иқтисодий жиҳатдан тўлиқ жавоб беради.

Банк муассасалари ўз фаолияти давомида суғурта компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилади ва уларнинг хизматларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, банк соҳасининг рискларини суғурталаш (суғурта ҳимоясини сотиб олиш) бошқа ҳимоя воситаларидан фойдаланишдан кўра анчагина арзон тушади.

Хулоса ва таклифлар.

Миллий молия бозоримизда банк ва суғурта хизматларининг интеграцияси дастлабки ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Бу эса суғуртанинг иқтисодий функцияларини воситачи сифатида банкка ўтказиш жараёнида намоён бўлмоқда. Бу тенденция банкларнинг ўз даромадларини ошириш мақсадида ўзларининг хизмат кўрсатиш каналлари орқали суғурта

маҳсулотларини тақдим этишдан манфаатдорлигини кўрсатади. Бироқ, ушбу ҳолатда банк ўз бизнесида юзага келиши мумкин бўлган рисклардан ҳимоя қилиш учун суғурта хизматларидан фойдаланишдан кўпроқ манфаатдор бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, банк рискларини суғурталашга комплекс ёндашувни қўллаш керак, бу турли суғурта компанияларининг турли хил тор мақсадли таклифлари туфайли ҳозирда миллий суғурта бозоримизда ривожланиш босқичида турибти. Бу бир томондан суғурта компаниялари томонидан таклиф этилаётган турли суғурта турларини ягона тизимга бирлаштириш имконини берса, иккинчи томондан, банкларни ички в ташқи кўнгилсиз ҳодисалар таъсиридан имкон қадар тўлиқ ҳимоя қилиш имконини бериши мумкин бўлади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Тожиев М.М. (2018) Банк рисклари ва уларни бартараф қилишнинг долзарб масалалари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы. 8(116). 45-53 б.

Коваленко О. Г. (2013) Экономическая сущность банковских рисков и их классификация. Азимут научных исследований: экономика и управление. № 3 – с. 11-14.

Мастяева И.Н. Мирзаханян Р.Э. (2014) Моделирование процессов управления рисками в банковском секторе. Экономика, Статистика и Информатика 105 №2,

Пенюгалова А. В. (2013) Банковские риски: сущность и основные подходы к определению. Финансы и кредит. 8 (536) – с. 2-5.

Семенова К.А. Кутукова Л.Т. (2019) Банковские риски: сущность и классификация. «Молодой учёный». № 38 (276) . Сентябрь. – с. 125-127.

Бабичева Ю. А. (1993) Банковское дело: справочное пособие. М.: Экономика. – 144 с.

Болгов С.А., Павлович В.Е., Торопова Л.В. (2020) Банковские риски и их классификация. Journal of Economy and Business, vol. 8 (66), - с. 27-32.

Николаева А.В. (2016) Международная и российская практика оценки рисков банковской деятельности. Риски ипотечного кредитования. Statistics and Economics V. 13. № 5. – 49-56.

Абдуллаева Ш. З. (2002) Банк рисклари ва кредитлаш. Т., «Молия», 304 б.

Г. Жмыркод (2012) Инновационные направления развития системы страхования банковских рисков М&А. Журнал Региональные проблемы преобразования экономики №2 стр 322-335.

А.А.Черных. (2009) Тенденции развития рынка страхования банковских рисков в условиях финансового кризиса. Экономический вестник Ростовского государственного университета 2009 Том 7 № 4 (часть 3), - стр. 130-133.

Е.В.Корсаков (2019) Основные подходы к определению понятия банковского риска / Е. В. Корсаков // Молодой ученый. - № 25. - С. 205 – 208.

Е.А.Кондратюк (2004) Понятие банковских рисков и их классификация / Е.А. Кондратюк // Деньги и кредит. - № 6. - С. 43 - 50.

Абдурахмонов И.Х. (2018) Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 23-24-б.

Абдурахмонов И. (2020) Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, “ //Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – 2020. – Т. 2.

Абдурахмонов, И. Х. (2010). Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш. Автореф. дисс.... и. ф. н, 26.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurahmonov, I. (2020) "Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector," International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 1, Article 5. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/5>.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). Теория и практика страхования. Учебник/– Т.:«Иқтисод молия, 353-354.

Abdurahmonov, I. (2022). Sug‘urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60–67. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/33>.

Khurshidovich, A. I. (2021). Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. *International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.

Pyas, A. (2018). Competition in the insurance market of Uzbekistan. *Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.

Pyas, A. (2018). Insurance market analysis methods: case-study from Uzbekistan. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research*, 7(1), 59-68.

Abdurahmonov, I. (2022). Sug‘urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60-67.

Абдурахмонов, И. (2022). Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истикболлари. *MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(1), 95-99.